Ҳурматли фуқаро!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
фармонига мувофиқ, қиш мавсумида
эҳтиёжманд оилаларни
қўллаб-қувватлаш мақсадида
Сизга 1 000 000 сўмлик бир марталик
моддий ёрдам тайинланди.

Моддий ёрдам – қиш мавсумида электр энергияси, газ, иссиқлик таъминоти, кўмир ҳамда суюлтирилган газ хариди учун тўловларни амалга оширишга мўлжалланган.

Агар Сизда саволлар бўлса,
“маҳалла еттилиги” ёки **1070 рақамига**
мурожаат қилинг.

*Тўловлар **2026 йил 30 ноябрга қадар***
***Сизнинг банк картангизга** туширib берилади.*

Мазкур ёрдам қиш мавсумига тайёргарлик кўришингизда зарурий кўмак бўлишига ишонамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги

ЭНЕРГИЯНИ ТЕЖАШ – ОДДИЙ АМАЛЛАРДА



Энергия тежовчи диодли (LED) лампалардан фойдаланинг. Улар оддий чироқларга нисбатан **80 фоиз камроқ энергия** сарфлайди.



Телевизор ва бошқа зарядловчи қурилмалар ва электр жиҳозлардан фойдалангандан сўнг **тўлиқ ўчиринг.**

Бу жиҳозлар фаол кутиш режимида **5-10 фоизгача** бўлган электр энергиясини сарфлайди.



Электр чойнакка фақат керакли миқдорда сув қуйинг. **Ортиқча сув** солинган чойнак **50-60 фоиз кўпроқ электр энергисия**ни сарфлайди.



Дераза ва **эшиклар**дан **шамол ўтмаслиги**ни текширинг ва **изоляция қилинг.** Бу **хона ҳароратини 60-70 фоизгача** сақлаб қолиш имконини беради.



Уйни иситишда замонавий турдаги энерготежамкор газ горелкаларидан фойдаланинг. Бу **30-40 фоизгача** табиий газни иқтисод қилишга ёрдам беради.

ЭНЕРГИЯ ТАЪМИНОТИ УЧУН МОДДИЙ ЁРДАМ

IJTIMOIY HIMOYA MILLIY AGENTLIGI

ҚАНДАЙ ОИЛАЛАРГА БИР МАРТАЛИК МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИ?

1. **Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга**

2. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган **ёлғиз яшовчи кексалар** ва **ногиронлиги бўлган шахслар** реестридаги фуқароларга

3. **Етим** ва **ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар** яшаётган ҳамда **Оилавий болалар уйи** ташкил қилган оилаларга

4. Ижтимоий реестрга киритилмаган, мол-мулки (автотранспорт, бирдан ортиқ кўчмас мулк) бўйича **кам таъминланган оилалар мезонларига тўғри келувчи,** бироқ оиладаги жон бошига даромади **минимал истеъмол харажатлари (МИХ)нинг 2 бараваригача (1 млн 430 минг сўмгача)** оилаларга*



оилаларнинг қўшимча рўйхати **маҳалла томонидан тегишли туман (шаҳар) бўйича Ижтимоий реестрга киритилган оилалар сонининг 50 фоизидан ошмаган ҳолда шакллантирилади.*



***Биринчи навбатда**, боқувчисини йўқотган, аъзолари I ёки II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслардан иборат, ногиронлиги бўлган болаларни парваришлаётган, узоқ муддатли даволанишни талаб этадиган касалликлар билан касалланган шахслар, ўзгалар парваришига муҳтож шахслар яшовчи, оила аъзоси миграцияда бўлган оилалар, 3 ва ундан ортиқ оила яшайдиган хонадонларда ҳамда газ таъминоти бўлмаган ва марказлаштирилган тартибда иситилмайдиган кўп қаватли уйларда яшовчи оилалар инобатга олинади.*

5. Марказий иситиш тизимидан фойдаланувчи, оиладаги жон бошига даромади Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда **МИХнинг 2 бараваригача (1 млн 430 минг сўмгача)** ҳамда Тошкент шаҳрида **3 баробаригача (2 млн 145 минг сўмгача)** оилаларга

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ, ТАБИИЙ ГАЗ, КЎМИР ВА СУЮЛТИРИЛГАН ГАЗ УЧУН КОМПЕНСАЦИЯ

Компенсация – нархлар ошгани сабабли оила амалга оширадиган ёқилғи ва коммунал харажатларнинг бир қисмини давлат ўз зиммасига олиши ва қайтарилмайдиган тарзда қоплаб берилишидир.

Батафсил: @ijtimoiyhimoya_agentligi www.ihma.uz

КОМПЕНСАЦИЯ КИМЛАРГА БЕРИЛАДИ?

1. **Ижтимоий реестрга киритилган оилаларга**
2. Ижтимоий реестрга киритилмаган, мол-мулки (автотранспорт, бирдан ортиқ кўчмас мулк) бўйича **кам таъминланган оилалар мезонларига тўғри келувчи,** бироқ оиладаги жон бошига даромади **минимал истеъмол харажатлари (МИХ)нинг 2 бараваригача (1 млн 430 минг сўмгача)** оилаларга

Электр энергияси истеъмоли учун

ойига **базавий меъёр**дан* **ортиқ 150 кВт соатгача**

*газлашган ҳудуд:
200 кВт соат

*газлашмаган ҳудуд:
350 кВт соат

Табиий газ истеъмоли учун

Иситиш мавсумида:

ойига **базавий меъёр**дан* ортиқ **250 куб метргача**

***500 куб метр**

Бошқа даврларда:

ойига базавий меъёрдан* ортиқ **150 куб метргача** фойдаланилган қисми

* **100 куб метр**

КОМПЕНСАЦИЯ ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ҲИСОБЛАНАДИ?

Рўйхатга киритилган оила **иситиш мавсумида** бир ойда **750 куб метр** газ истеъмол қилди. Бунда, 500 куб метр базавий меъёр учун ҳар куб метрига **1 100 сўмдан тўлайди.**

Қолган 250 куб метр учун ҳар куб метрига 2 000 сўмдан тўлаши керак. Ушбу **250 куб метрнинг** ҳар куб метрига **900 сўм** *(2000-1100 сўм)* давлат томонидан (225 минг сўмгача) компенсация қилиб берилади.

Кўмир истеъмоли учун

“mycoal.uz” портали орқали сотиб олинган **ҳар 1 тонна** кўмирга **300 минг сўм**

Бир йилда 600 минг сўмгача

Суюлтирилган газ учун

Ҳар 1 кг газга 3 000 сўм.
Бир ойда 60 минг сўмгача

Бир йилда 720 минг сўмгача

КОМПЕНСАЦИЯ ҚАЧОН ТЎЛАНАДИ?



Ариза берилган ойдан кейинги ойнинг **якунига қадар “Барака”** ижтимоий картаси ва банк карталари орқали тўлаб берилади.

КОМПЕНСАЦИЯ ОЛИШ УЧУН ҚАЕРГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КЕРАК?

1. **Маҳалла**даги **ижтимоий ходим**ларга
2. Яшаш ҳудудидаги **“Инсон” маркази**га
3. **1070** қисқа рақамга **қўнғироқ қилиш** орқали мурожаат қилиш мумкин.

Батафсил: @ijtimoiyhimoya_agentligi www.ihma.uz

УЙИНГИЗНИ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШДА ДАВЛАТ КЎМАГИ

Энергия самарадорлиги миллий агентлиги ижтимоий ҳолатидан қатъи назар барча фуқароларга субсидия ажратади.

ЭНЕРГИЯ САМАРАДОР УСКУНАЛАР ХАРИДИ ВА ЎРНАТИШ УЧУН СУБСИДИЯЛАР



УЙ-ЖОЙ ЭНЕРГИЯ АУДИТИ

Ортиқча энергия сарфи аниқланади. Самарадорликни ошириш чоралари кўрилади ва хонадоннинг энергия самарадорлиги паспорти яратилади.

100% субсидия



ҚУЁШ ПАНЕЛЛАРИ

Уйингиз учун электр энергияси ишлаб чиқаради. Электр учун харажатлар миқдорини камайтиради.

20% субсидия



ҚУЁШ СУВ ИСИТГИЧЛАРИ

Гелиоколлектор сувни қуёш энергияси билан иситади. Газ ва электр энергияси сарфини камайтиради.

20% субсидия



ИССИҚЛИК НАСОСЛАРИ

Ҳаво, ер ёки сувдаги иссиқликдан фойдаланиб уйни иситади. Электрда ишлайди. (50 БҲМ: 22 млн сўмгача)

40% субсидия



МАИШИЙ ИСИТИШ ҚОЗОНЛАРИ

Газ ёки электрдаги икки контурли, конденсацион ҳамда автоматлаштирилган пеллет қозонлари учун.

20% субсидия



РЕКУПЕРАТОРЛАР

Чиқаётган ҳавонинг иссиқлиги билан кираётган тоза ҳавони илитади. Шамоллатишда иссиқлик йўқотилиши камаяди.

20% субсидия

Субсидия ажратиш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилган ва агентликнинг esma.uzex.uz платформаси орқали амалга оширилади.

БАТАФСИЛ: @ESMA_AGENCY WWW.ESMA.UZEX.UZ

АҲОЛИ УЧУН "ЯШИЛ" КРЕДИТЛАР ВА КОМПЕНСАЦИЯЛАР

Уйингизнинг энергия самарадорлигини ошириш учун кредит. Фоиз тўловларининг бир қисмини давлат қоплайди.

“ЯШИЛ ТАЪМИР” КРЕДИТИ



340 млн сўмгача **10 йил**

Девор ва томни изоляция қилиш, тежамкор дераза, қозон ёки қуёш панели ўрнатиш учун.

50% камида энергия самарадорлигини ошириш тадбирларига. Қолган қисми бошқа қурилиш маҳсулотларига сарфланиши мумкин.

“ЯШИЛ ИСТЕЪМОЛ” КРЕДИТИ



220 млн сўмгача **5 йил**

Қуёш панели, қуёш сув иситгичи, иссиқлик насоси ва бошқа самарадор ускуналарни сотиб олиш ҳамда ўрнатиш учун.

Йиллик фоиз ставкаси: 19–23%

ДАВЛАТ ҚАНЧАСИНИ ҚОПЛАЙДИ?



Ҳар икки кредитда **19 фоиздан ошган 4 фоиз** пункти қопланади.
Кредит муддати доирасида – **5 йилгача**.

Компенсация тўлаш жараёнлари тўлиқ рақамлаштирилган ва subsidiya.imv.uz платформаси орқали амалга оширилади.

БАТАФСИЛ: @ESMA_AGENCY WWW.ESMA.UZEX.UZ